



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 13 август, № 164 (9335)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАЙЛИК!

ЮКСАЛИШ МЕЗОНИ

Мустақиллик — энг улуғ ва бебаҳо бойлик. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён ўтган 35 йил тарихга улкан ўзгаришлар, кенг қўламли ислохотлар ва янги тараққиёт босқичлари билан муҳрланди. Бу давр нафақат давлатчилик асосларини мустаҳкамлаш, балки замонавий демократик жамият қуриш, инсон манфаатларини таъминлаш ва халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллаш йўлидаги муҳим жараён бўлди, десак, айни ҳақиқат.

Мустақилликнинг 35 йиллигига



Ҳар йили бу сана мамлакатимиз бўйлаб энг улуғ, энг азиз байрам сифатида катта шоду хуррамлик билан нишонланади. Зеро, 35 йил мобайнида қилинган ишлар, эришилган ютуқлар талай. Айниқса, сўнгги ўн йилда шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, халқимиз турмуш даражасининг ортиб бораётгани Президентимизнинг жўшқин иш фаолияти, узоқни кўра билиши ва халқчил, ижтимоий йўналтирилган сиёсати маҳсулидир.

Шу давр мобайнида амалга оширилган барча ўзгаришларни номма-ном санаш фикридан йироқмиз. Биргина юртимиздаги ишбилармонлик

муҳити ҳақида мулоҳаза билдирадиган бўлсак, бугун тадбиркор ўз фаолиятини ривожлантириш учун катта имкониятларга эга бўляпти. Деҳқон фермерлар, кластер ҳўжаликлари ўзлари етиштирган ҳосилнинг ҳақиқий эгасига айланмоқда. Бу эса соҳани ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилгани самарасидир.

Қолаверса кейинги йилларда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, иқтисодиётда давлат улушини босқичма-босқич қайта қуришга қаратилган аниқ манзилли чора-тадбирлар бунда асосий омил бўлаётди.



Учрашув

МУҲОКАМАЛАР МАРКАЗИДА — ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ МАСАЛАСИ

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Покистон ўртасида муносабатлар изчил ривожланиб, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда амалий ҳамкорлик кенгайиб бормоқда.

Кеча Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев ва Покистон Ислам Республикасининг янги тайинланган Ўзбекистондаги Факуллода ва мухтор элчиси Муҳаммад Мудассир Типу ўртасидаги самимий мулоқотда ҳам айни масалалар кун тартибидан ўрин олди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Покистон давлатлари муносабатларининг бугунги ҳолати ҳамда истиқболлари муҳокама қилинди.

Парламентлараро алоқаларни янада мустаҳкамлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Қонун

ижодкорлиги бўйича тажриба алмашши, парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари фаолиятини янада жонлантириш, ҳудудлараро алоқаларни кенгайтириш ҳамда халқаро парламент ташиклотлари доирасида ўзаро қўллаб-қувватлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув якунида икки мамлакат халқлари манфаатларида парламентлараро ҳамкорлигини янги мазмун билан бойитиш бўйича ишларни давом эттиришга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

ИНСОН КАПИТАЛИГА ИНВЕСТИЦИЯ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси томонидан «Барқарор ривожланиш мақсадлари ойлйи» доирасида «Инклюзив ва сифатли таълимни ривожлантириш — инсон капиталига инвестиция» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбати

Тадбирда қайд этилганидек, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, жумладан, мактабгача таълим қамровини кенгайтириш ва сифатини юксалтириш, ногиронлиги бўлган шахслар учун инклюзив таълимни ривожлантириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, сўнгги ўн йил давомида богчаларга қамров даражаси 27,7 фоиздан 78 фоизга, олий таълимга эса 8,3 фоиздан 47,7 фоизга етказилди.

Бугунги кунда 2 610 та умумий ўрта таълим мактабида инклюзив ўқув синфлари ташкил этилган бўлиб, уларда алоҳида таълим

олишга эҳтиёжи бўлган 6,8 минг нафар бола ўқимокда. Шунингдек, 248 та умумий турдаги давлат мактабгача таълим ташкилотларида ҳам инклюзив гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилган. Мазкур муассасалардаги 519 та шундай гуруҳда алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун қўлай таълим муҳити яратиб бораётир.

Давра суҳбатида ўқув сифатини ошириш, инклюзив синфлар фаолиятини кенгайтириш, муассасаларда алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун қўлай таълим муҳити яратиб бораётир. Давра суҳбатида алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун қўлай таълим муҳити яратиб бораётир.



Таҳлил

Ўзбекистон парламентаризми:

35 ЙИЛЛИК ТАРАҚҚИЁТ, ТАЖРИБА ВА ИСТИҚБОЛЛАР

Муқаддима

Тарихда шундай йиллар борки, уларни тақвим эмас, халқлар тақдири белгилайдди. 1960 йил «Африка йили» сифатида тарихга кирган бўлса, 1991 йилни ҳам тарихий мазмунига кўра «Мустақиллик йили» деб аташ мумкин. Зеро, бу йилда собиқ иттифок ҳудудидagi республикалар озодлик ва давлат мустақиллигига эришди. Ўзбекистон учун

эса 1991 йил нафақат мустақиллик, балки миллий парламентаризм ривожининг ҳам бошланиш нуктаси бўлди.

Нега? Чунки мустақил давлатчилик халқ иродасини ифодаловчи вакиллик институтини шакллантиришни таъминлаш эътиборига эришди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, қозо этар эди. Шу нуктаи назардан, парламент — бу фақат қонун қабул қиладиган орган эмас. У, аввало, халқ иродасининг сиёсий ифодаси, турли ижтимоий манфа-

атларнинг қонуний мулоқот майдони, ҳокимиятнинг муво-занат ва тийиб туриш механизмидан бири, давлат сиёсатининг қонунийлиги ҳамда халқчиллигини таъминловчи демократик институтдир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, бугун мамлакатимизда кучли ва масъулиятли парламентни барпо этиш, самарали парламент дипломатиясини татбиқ қилиш учун кенг шароитлар яратилмоқда. Бу

фирқ Ўзбекистон парламентаризмининг ривожлантиришнинг муҳим дастурий ғоясини ифодаляйди.

Шу маънода, Янги Ўзбекистонда парламентаризмнинг 35 йиллик тарихига назар ташлаш — мамлакатимизда халқ ҳокимиятчилиги, инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлиги, демократик институтлар ва сиёсий плюрализм қандай шаклланиши ва ривожланганини кўриш демек.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ОЧИҚ МУЛОҚОТ, АНИҚ ТАКЛИФ ВА АМАЛИЙ ЕЧИМЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан «Истиқлол йилларида тадбиркорлиқни ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш борасидаги ислохотлар жараёнида парламентнинг ўрни ва роли» мавзусида тадбиркорлар билан очик мулоқот ўтказилди.



Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Раҳимжон Ҳасимов тадбиркорлар кириш сўзи билан очиб, мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида ҳудудий мулкни ҳимоя қилиш, тадбиркорлик учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, бизнесда ортқча маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, ишбилар-

монлик мулкчини янада яхшилаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳақида тўхталиб ўтди.

Таъкидланганидек, бугун Ўзбекистон бизнес юртиш учун қўлай мамлакатга айланиб бормоқда. Юртимизда тадбиркорларга яратилаётган шароитлар, берилётган имкониятлар туфайли янги

субъектлар кескин кўпайиб, аввалдан ишлаётганлари ўз фаолиятини янада кенгайтирди. 2025 — 2030 йилларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш стратегиясининг тасдиқланиши эса соҳадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш учун муҳим ҳуқуқий ва институционал асос яратди.

Сўнгги йилларда соҳага доир қўллаб қўнгилар қабул қилинди. Хусусан, 2026 йил 21 апрелдаги «Масъулият чекланган жамиятлар тўғрисида»ги ҳамда шу йил 7 августда имзоланган «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунлар тадбиркорлик субъектларида корпоратив бошқаруви тартибли ва масъулиятли олиб бориш, кўчмас мулк бозорини профессионал, шаффоф ва ишончли тизимга айлантириш борасида мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратди.



Барҳаёт сатрлар

ВАТАН

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири

Агар дўстлар эрур содиқ бир-бирин қўйратиб бўлмас,
Агар қилгил неча фитна аларни айратиб бўлмас,
Демиллар: мору қушини бир қафасда асратиб бўлмас,
Ватандан айри кўнглини, билингни, яйратиб бўлмас,
Баайни банди булбулни чамансиз сайратиб бўлмас.

Ватан деб мен баён қилдим, аё дўстлар, муҳаммасни,
Ватанини ким улуг билиди, азиз билдим мен у касни,

Ватан деб жўш урур эрса кўтаргум бошимга ҳасни,
Ватандан айри кўнглини, билингни, яйратиб бўлмас,
Баайни банди булбулни чамансиз сайратиб бўлмас.

Надомат бирла боқгайман ватансизларга ҳар доим,
Эзиб бошини зор йиллар, агарчи давлати қойим,
Фақир бўлсам-да бор юртим — тоғу тахшим, борар жойим,
Ватандан айри кўнглини, билингни, яйратиб бўлмас,
Баайни банди булбулни чамансиз сайратиб бўлмас.

Биз ва жаҳон

ТИНЧЛИК ВА ИШОНЧ МЕЪМОРИГА АЙЛАНГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

...Чегара постида навбат секин илгарилайди. Чегарачи паспортни очади, бир лаҳза кўз югуртириб, навбатдаги тамгани босади. Йўловчи хотиржам равишда ўз манзилига равона бўлади. Бир қарашда бу кўндалик ва одатий жараён. Аммо ана шу бир неча сония ортида йиллаб давом этган музокаралар, мураккаб келишувлар, ўзаро ишонч ва оқилона дипломатия мужассам.

Мустақилликнинг 35 йиллиги арафасида орта назар ташлар эканмиз, Ўзбекистон босиб ўтган йўлнинг энг муҳим натижаларидан бири айнан мана шу — очик ва ишончли қўшничилик муҳитининг шаклланиши кўринади.

Зеро, мустақиллик фақат сиёсий суверенитет эмас. Мустақиллик — халқнинг эркин яшаши, ўз тақдирини ўзи белгилаши, қўшнилари билан тинч-тотув ҳамкорлик қилиши ва дунё билан тенг мулоқот юрита олишидир.

Аммо бугунги очик чегаралар ва ишончли қўшничилик муҳити бирданига пайдо бўлгани йўқ. Чунотчи, чегаралар тарихни ҳам синди, дипломатияни ҳам.

1991 йилда собиқ иттифок парчалангач Марказий Осиёда бешта мустақил давлат дунё саҳнасига чиқди. Сиёсий суверенитет эълон

қилинди, бироқ давлат чегараларининг катта қисми халқаро ҳуқуқ нормалари асосида ҳали расмийлаштирилмаган эди. Собик тузум даврини даъмурий чизик ҳисобланган ҳудудлар бир кечада халқаро чегарага айланди. Айниқса, Фарғона водийсида чегаралар аҳоли пунктлари, суғориш тармоқлари, яйловлар ва автомобиль йўллари кесиб ўтгани сабабли масала янада мураккаблашди.

Уша даврда чегара масаласи фақат сиёсий ёки ҳуқуқий муаммо эмас эди. У минглаб оилаларнинг кундалик турмушига таъсир кўрсатди. Бир қишлоқдан иккинчисига ўтиш учун ўнлаб километр айланиб юришга тўри келар, қариндошлар ўртасидаги қатнов мураккаблашар, тадбиркорлар учун эса логистика харажатлари ортарди.



ФАРМАЦЕВТИКА — МИЛЛИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

Бугунги кунда дунё миқёсида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, дори воситалари хавфсизлиги ва уларнинг оммабоплигини таъминлаш ҳар бир давлатнинг стратегик вазифасига айланган. Шу боис кейинги йилларда юртимизда ҳам соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислох этиш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, замонавий диагностика ва даволаш технологияларини қўллаш, тиббиёт муассасаларини модернизациялаш ҳамда фармацевтика саноатини иқтисодиётнинг драйвер тармоқларидан бирига айлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Нуктаи назар

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида инсон қадрини улуғлаш ва аҳоли саломатлигини таъминлаш устувор йўналиш сифатида белгилангани бежиз эмас.

Чунки мамлакатнинг иқтисодий қудрати, меҳнат унумдорлиги ва демографик барқарорлиги, аввало, аҳоли саломатлиги билан чамбарчас боғлиқ. Бу вазифани эса кучли фармацевтика саноатисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Эътибор беринг: охириги йилларда тармоққа 1,8 миллиард доллар инвестиция жалб қилиниши, 140 та янги ишлаб чиқариш қувватининг ташкил этилиши, 300 дан ортқ фармацевтика корхоналарининг фаолият юртиши ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмининг 3,5 баробар

ўсиши мамлакатимизда ушбу соҳа давлат сиёсати даражасига кўтарилганини яққол намён қилмоқда.

Бирок эришилган натижалар билан чекланиб қолиш мумкин эмас. Дунё фармацевтика бозори мислсиз суъратларда ривожланмоқда. Биотехнология, ген муҳандислиги, сунъий интеллект, рақамли тиббиёт ва персоналаштирилган даволаш технологиялари бутун тармок қиёфасини ўзгартирмоқда. Бу эса Ўзбекистон фармацевтикаси олдида ҳам мутлақо янги талабларни қўймоқда.

Ана шу нуктаи назардан Президентимиз ташаббуси билан фармацевтика тармогини ривожлантириш бўйича белгилаб берилаётган устувор вазифалар соҳанинг мутлақо янги механизмларини йўлга қўйишга асос бўлаётди.



Боболар кечмишин ҳаргиз фаромуш айламанг, дўстлар,
Ҳақиқат тонги отанда ани туш айламанг, дўстлар,
Агар ким эътиқодсиздур, ани хуш айламанг, дўстлар,
Ватандан айри кўнглини, билингни, яйратиб бўлмас,
Баайни банди булбулни чамансиз сайратиб бўлмас.

Диёрим Ўзбекистондур, ки андин ифтихорим бор,
Демакким, ҳур адолатлиг, давлати барқарорим бор,
Онамдек меҳрибон, мунис Ватан бор, ғамеузориим бор,
Ватандан айри кўнглини, билингни, яйратиб бўлмас,
Баайни банди булбулни чамансиз сайратиб бўлмас.

Ватан, сен ҳур, йўлинг шонли, қадамни ташлашан шаҳдам,
Фахрла боқгай Абдулло, кўзида шодлигидан нам,
Паноҳини тилаб Ҳақдин билида илтижо ҳар дам,
Ватандан айри кўнглини, билингни, яйратиб бўлмас,
Баайни банди булбулни чамансиз сайратиб бўлмас.

ИНСОН КАПИТАЛИГА ИНВЕСТИЦИЯ



Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун ҳудудлардаги барча умумий ўрта таълим мактабларини имконияти чекланган болаларнинг эҳтиёжларига мослаштириш, хусусан, уларни пандуслар, тактил йўлаклар, лифтлар ҳамда махсус санитария хоналари билан тўлиқ таъминлаш зарурлиги таъкидланди. Шу билан бирга, алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни мактабларда инклюзив таълим билан қамраб олиш кўрсаткичларини йилдан-йилга ошириб бориш муҳимлиги қайд этилди.

Шунингдек, мазкур ўқув гуруҳларини тамомлаган имконияти чекланган ёшларнинг профессионал касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида тенг ҳуқуқ асосида таҳсил олишини йўлга қўйиш, кейинчалик уларни муносиб иш билан таъминлашда маҳаллий Кенгашлар ва жамоатчиликнинг иштироки муҳим экани алоҳида таъкидланди.

Давра суҳбатда тегишли вазирлик ва идоралар вакилларининг инклюзив таълимни ривожлантириш бўйича дастурлари ва амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги ахборотлари ҳам эшитилди.

Тадбир якунида бундай дастурлар ижросини сифатли таъминлаш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».

Ўрганиш

МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШДА САМАРАЛИ ВОСИТА

Сўнгги йилларда аҳоли билан бевосита мулоқот қилиш, фуқароларни ташвишга солаётган муаммоларни жойига чиққан ҳолда ўрганиб уларга тезкор ва манзилли ечим топиш, шунингдек, мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқиш орқали халқ манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу мақсадда Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси аъзоси Нусуратулла Пардаев халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши ҳамда тегишли идора масъуллари билан биргаликда вилоятнинг Фориш туманида фуқаролар учун навбатдаги сайёр қабул ўтказди.

Қабул давомиди фуқаролар ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, коммунал хизматлар сифатини ошириш ва инфратузилмани яхшилаш билан боғлиқ қатор масалалар юзасидан ўз мурожаатларини баён қилди.

Хусусан, ичимлик суви таъминотини яхшилаш, электр энергиясида кузатилаётган узилишларни бартараф этиш, ички йўлларни таъмирлаш ҳамда ҳудуд инфратузилмасини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, ичимлик суви таъминоти билан боғлиқ муаммолар юзасидан мутасадди ташкилотлар томонидан зарур махсус техникалар жалб қилиниб, тегишли чоралар кўрилди.

Мурожаатларда кўтарилган айрим масалалар жойида деярли ҳал бўлиб қолди. Қўшимча вақт талаб қиладиганлари юзасидан эса аниқ муддатлар белгиланиб, масъул идораларга тегишли топшириқлар берилди ва уларнинг ижроси назоратга олинди.

Шу билан бирга, учрашув давомиди ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш масалалари, маҳаллаларда амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги ҳамда фуқароларни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар ҳам муҳокама қилинди. Мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва олиб борилаётган ислохотлар таъсирчанлигини янада ошириш юзасидан таклиф ҳамда тавсиялар берилди.

МУАММОЛАРНИ ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИШ — БУГУНГИ КҮН ТАЛАБИ

Давлатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан юртимизда ҳудудларни ободонлаштириш, аҳоли учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, ижтимоий масалаларни манзилли ҳал этиш ҳамда жамоат ҳаётида таъминлашга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда парламент назорати доирасида ҳудудларда ўрганиш ишларини олиб бораётган сенаторларнинг ҳам муносиб ҳиссалари бор.

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Рустам Калонов ҳамда халқ депутатлари Юносубод тумани Кенгаши депутатларидан иборат ишчи гуруҳ “Долзарб 40 кунлик” тадбирлари доирасида Биллур ва Ифтихор маҳаллаларида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Ўрганишлар жараёнида Биллур маҳалласида “Обод маҳалла” дастури доирасида олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, маҳалла гузар олдиди нурунийлар маскани, амфитеатр, фаввора, замонавий тунг ёритиш тизими, болалар майдончаси, ёшлар учун спорт маркази ҳамда воркаут майдонлари барпо этилмоқда. Шунингдек, янги тротуарлар қуриш, сугориш тизимини яратиш, ҳудудни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларини амалга оширилмоқда.

Маҳалла аҳолисининг барча қатламлари учун қўлай муҳит яратиш мақсадида кўп қаватли уйлар атрофиди нурунийлар учун дам олиш масканлари, замонавий болалар майдончалари ва ҳордиқ чиқариш аллеялари ташкил этилмоқда. Шу билан бирга, маҳалла ички йўлларини асфальтлаштириш ишларини амалга ошириш режалаштирилган.

Ўрганишлар давомиди аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, бандлигини таъминлаш, ишсизликни қисқартириш ҳамда ёшлар ўртасида учраётган муаммоларни бартараф этиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Бундан ташқари, маҳалла ҳудудида 2026 йил давомида

«Халқ сўзи».

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК МАВЗУСИ ЁШЛАР НИГОҲИДА

12 август — Халқаро ёшлар куни муносабати билан Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти томонидан Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси ҳамда БМТ Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) билан ҳамкорликда Британия парламенти форматида “Гендер тенглик учун ёшлар овози” мавзусида республика дебат турнири ташкил этилди.



Ҳамкорлик

Унинг очилиш маросимида Сенатнинг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор Малика Қодир-хонова, Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги элчиси Тойво Клаар, ЮНФПAnинг Ўзбекистондаги доимий вакили Нигина Аббасзада ҳамда Ёшлар парламенти раиси Лайло Асланова қатнашди.

Турнир давомиди ишти-

рокчилар гендер тенглик, инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий адолат масалалари юзасидан ўз позицияларини ҳимоя қилиб, далилларга асосланган баҳс-мунозараларда иштирок этди.

Дебатларда ёшлар танқидий фикрлаш, оммавий нутқ сўзлаш, мусокара олиб бориш ҳамда таҳлилий ёндашув кўникмаларини янада мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлди. Шунингдек, улар гендер зўравонлигининг олдини олиш бўйича замонавий ёндашувлар юзасидан билимларини янада бойитди.

«Халқ сўзи».

ОЧИҚ МУЛОҚОТ, АНИҚ ТАКЛИФ ВА АМАЛИЙ ЕЧИМЛАР

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган тадбиркорлар билан очик мулоқот бугун Янги Ўзбекистон сиёсатининг ўзига хос ва таъсирчан механизмига айланди. У ишбилармонларнинг овозини эшитиш, уларни ўйлантираётган масалаларга бевосита ечим топиш, давлат ва бизнес ўртасидаги ўзаро ишончни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда Қонунчилик палатаси томонидан мазкур мулоқотда кўтарилган долзарб масалалар, билдирилган ташаббуслар асосида қонун ижодкорлиги жараёнига янада жиддий ёндашилиб, тадбиркорлар манфаатларини ҳимоялаш, уларни қўллаб-қувватлаш масалалари ечимини қўнунларда акс эттириш бўйича барча зарур чоралар кўриломоқда.

Айниқса, қуйи палатада Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитасининг ташкил этилиши тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини парламент даражасида ифода этиш, соҳадаги долзарб масалаларни тизимли равишда кўриб чиқиш, шунингдек, давлат ва бизнес ўртасидаги ҳуқуқий ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш йўлини раваншлаштирмоқда.

Бугун қўмита аъзолари ҳудудларга чиқиб, ишлаб чиқариш корхоналари, саноат зоналари, хизмат кўрсатиш объектлари, кичик ва ўрта бизнес вакиллари билан бевосита учрашувлар ўтказмоқда. Қўмита эшитувлари ва муҳокамаларига тадбиркорлик субъектлари вакилларининг мунтазам жалб этилиши эса парламент ва бизнес ўртасидаги амалий ҳамкорлигини кучайтирмоқда.

ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ПАРЛАМЕНТНИНГ РОЛИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллигига бағишлаб “Мамлакатимизда экологик барқарорликни таъминлашда парламентнинг роли” мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди. Унда экологик соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, уларнинг самарали натижалари, шунингдек, соҳани янада ривожлантиришга қаратилган истиқболдаги вазифалар атрофича муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазаси, экологик ҳавфсизликни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, янги таҳрирдаги Конституциямизда экологик ҳуқуқлар мустаҳкамланиб, охириги ўн йилда экология ва атроф-муҳит муҳофазасига қаратилган 30 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди.

Хусусан, “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”, “Экологик аудит тўғрисида”, “Гидрометеорология фаолияти тўғрисида”, “Органик маҳсулотлар тўғрисида”, “Тупроқни муҳофиза қилиш ва унинг ўнумдорлигини ошириш тўғрисида”, “Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида”ги қонунлар соҳанинг ҳуқуқий не-

мулоқот давомиди савдо, озиқ-овқат саноати, умумий овқатланиш, хизмат кўрсатиш, таълим ва креатив индустрия йўналишларида фаолият юритаётган тадбиркорлар ўз тажрибаси, соҳадаги имкониятлар ва амалиётда учраётган муаммолар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Шунингдек, парламент ва тадбиркорлар ўртасидаги ҳамкорлигини янада тизимли йўлга қўйиш мақсадида “Парламент — тадбиркор” ўзаро мулоқот платформасини ишга тушириш ташаббуси илгари сурилди. Мазкур платформа уларнинг муаммолари, таклиф ва ташаббусларини мунтазам муҳокама қилиш, уларни қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнига жалб этиш ҳамда соҳадаги долзарб масалалар юзасидан очик мулоқотни йўлга қўйишга хисса қўиши айтилди.

Учрашув якунида ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, мавжуд муаммоларни бартараф қилиш, бизнес вакилларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш ҳамда қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Бобур БЕКМУРОДОВ, Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси раиси:

— Баъзан қонунчиликдаги биргина ортиқча талаб, такрорий рўқсат бериш тартиби ёки турлича талқин қилиниши мумкин бўлган норма тадбиркор учун ортиқча вақт ва маблаг сарфига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис қўмитаимиз Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳа-

даланиш ҳамда биологик хилмаҳилликни асраб-авайлаш борасидаги ислохотларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди.

Конференция иштирокчилари мазкур ҳуқуқий асосларнинг ҳаётда тўлиқ ва самарали ишлатилиши таъминлашда парламент назоратининг ўрнига алоҳида эътибор қаратди. “Ҳукумат соати”, парламент ва депутатлик сўровлари, қўмиталар томонидан қонунлар ижросини ўрганиш каби механизмлар уларнинг амалиётда самарали ишлатилиши таъминлашга хизмат қилаётганини ургуланди. Бу борада Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси ташаббуси билан экологик масалалар юзасидан ҳукумат аъзоларининг ахборотлари эшитилиб, парламент назоратининг таъсирчан шакллари изчил қўлланилаётгани қайд этилди.

Шунингдек, сўнгги йилларда экологик барқарорликни таъминлаш умумий миллий вазифага айлангани, бу борада давлат органлари ва парламентнинг илмий доиралар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда кенг жамоатчилик билан ҳамкорлигини янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Экологик қонунчиликни мунтазам такомиллаштириб бориш ва унинг ижроси устидан самарали парламент назоратини таъминлаш Янги Ўзбекистон тарақ-



Айниқса, қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва муҳокама жараёнига соҳа вакилларини кенг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратамиш. Илгари гуруҳ ййилишлари ва муҳокамаларида тадбиркорларнинг фикр-мулоҳазалари, таклиф ва ташаббусларини бевосита эшитиш, уларни қонунчилик нормаларида акс эттириш устувор вазифаларимиздан бирига айланган.

Бундай очик мулоқотлар эса жойлардаги ҳақиқий муаммоларни чуқур ўрганиш, тадбиркорларнинг таклифларини қонун ижодкорлиги жараёнига олиб кириш, энг муҳими, бизнес учун янада қўлай, барқарор ва адолатли ҳуқуқий муҳит яратишга хизмат қилади.

Равшан ФОЗИЛОВ, қўмита аъзоси:

Мазкур платформа парламент ва тадбиркорлар ўртасида доимий ва очик мулоқотни йўлга қўйишга қаратилган янги ёндашувнинг амалий ифодаси бўлди. Зеро, унинг асосий мақсади ҳам тадбиркорларнинг амалиётдаги тажрибаси, соҳадаги муаммолари ва таклифларини қонун ижод-

ларини нафақат ўз ваколатига кирувчи соҳалар доирасида, балки уларнинг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларига таъсири нуктаи назаридан ҳам мунтазам таҳлилдан ўтказиб боради.

Бундай очик мулоқотлар эса жойлардаги ҳақиқий муаммоларни чуқур ўрганиш, тадбиркорларнинг таклифларини қонун ижодкорлиги жараёнига олиб кириш, энг муҳими, бизнес учун янада қўлай, барқарор ва адолатли ҳуқуқий муҳит яратишга хизмат қилади.



қонлиги жараёнига тизимли равишда олиб киришдан иборат. Улар томонидан билдирилган таклифлар, қонунчиликка оид ташаббуслар қўмитаси томонидан умумлаштирилиб, тегишли тартибда кўриб чиқилди. Қонунчилик ечимини талаб қиладиган масалалар қонун ижодкорлиги жараёнида, давлат органлари фаолияти билан боғлиқ бўлса, парламент назорати механизмлари орқали ўрганилиб, тегишли чоралар белгиланади.

Ҳилола ЮЛДАШЕВА, “Монтессори таълим” нодавлат мактабига таълим ташкилоти ташкисчиси:

— Депутатлар билан мулоқот жуда самарали ва мазмунли бўлди. Улар томонидан таклифларимизни тизимли равишда олиб кириш, қонунчиликдаги сўнгги янгиликлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Бундай учрашувлар халқ вакиллари билан соҳа мутахассислари ўртасидаги ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Зеро, юзма-юз мулоқот жараёнида билдирилган фикр-мулоҳазалар амалда мавжуд муаммоларга ечим топиш, ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур учрашув ҳам ўзаро таъриба алмашиш, долзарб масалаларни биргаликда муҳокама қилиш ва истиқболдаги вазифаларни белгилаб олиш учун ўзига хос мулоқот майдони бўлди.



ҳуқуқий мустаҳкамлаб қўйилгани, давлат зиммасига эса атроф-муҳитни муҳофиза қилиш ва тиклаш, Оролбўйи экологик тизимини сақлашга қаратилган конституциявий мажбурият юклатилгани бу борадаги сиёсатнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлади. Сўнгги йилларда қабул қилинган қонунлар, Президентимизнинг фармон ва қарорлари, соҳада амалга оширилган институционал ўзгаришлар экологик сиёсатни мутлақо янги босқичга олиб чиқди. Мазкур тадбир ҳам экологик соҳадаги ҳуқуқий асосларни таҳлил этиш ва янада ривожлантириш бўйича келгусидаги устувор вазифаларни белгилаб олишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Тадбир якунида иштирокчилар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар умумлаштирилиб, улар асосида тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон парламентаризми: 35 йиллик тараққиёт, тажриба ва истиқболлар

◀1 Замонавий парламентаризмнинг энг олий мезони — парламентнинг халққа қанчалик наф келтираётгани, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини қай даражада ҳимоялаётгани, жамият тараққиётига қандай ҳисса қўшаётгани билан белгиланади. Зеро, халққа хизмат қиладиган парламент, охир-оқибат, давлатнинг ўзига ҳам, унинг келажагига ҳам камарбаста бўлади.

Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг: **«Нафъинг агар халққа бешакдур», Билки, бу нафъ ўзунгга кўпракдурур»,** деган мисралари айнан шу мезонни ифода эта олади. Бу қараш ҳар бир депутат ва сенатор фаолиятининг муҳим маънавий мезони бўлиши лозим.

Хозирги кунда Ўзбекистон парламентининг ўзи ҳам, унинг давлат ҳокимияти тизимидаги ўрни ҳам, парламентга нисбатан халқнинг талаби ҳам ўзгарди.

Кеча парламент учун асосий савол «Қандай қонун қабул қилиш керак?» бўлган бўлса, бугун унга янада мураккаброқ савол қўйилмоқда: «Қабул қилинган қонун инсон ҳаётини қандай ўзгартирди?» Ўзбекистон парламентаризмининг кейинги тараққиёт босқичини айнан шу савол белгилаб бериши керак.

Миллий парламентаризмнинг тарихий илдизлари

Парламентаризмнинг асосий мезонларидан бири — парламентнинг давлат ҳокимияти тизимида қанчалик таъсирчан ва мустақил институт эканлигидир.

Жаҳон парламентаризми тарихига назар ташласак, Англиядаги парламент аъёналари, Европада ва Америкадаги вакиллик органлари, кейинчалик конституционализм ва демократик давлатчиликнинг ривожланиши замонавий парламентаризмнинг шаклланишига асос бўлганини кўрамыз.

Ўзбекистон парламентаризмининг тарихий илдизлари қадимийдир. «Авесто» каби мамлакатимиз тарихига оид энг қадимги манбаларда жамият ва давлат ҳаётидаги муҳим қарорлар яқка ҳукмдор эмас, балки халқ йиғинлари, оқсоқоллар ва қабिला бошликларининг жамоавий машварати орқали қабул қилингани ҳақидаги қарашлар учрайди. Бу жамоа манфаатларини муҳофама этиш ва келишувга асосланган бошқарувнинг илк маданий пойдеворларидан бири эди.

Турк хоқонлигида давлатнинг муҳим масалалари Қурултой ва Кенгаш йиғинларида муҳофама қилиниб, келишув асосида ҳал этилган.

Маҳмуд Қошғариёнинг «Девону луготит турк» асарида ҳам кенгаш ва маслаҳатнинг аҳамиятига ишора берувчи: «Кенгашда қилинган ишнинг кенгчилиги, энгиллиги бўлади, кенгашсиз қилинган иш эса торлик, қийинчилик», деган фикр келтирилади.

Соҳибқирон Амир Темуր давлатчилигида ҳам «Машварат» — кенгаш ва олий «Қурултойлар» давлат ишларини ҳал этишда муҳим ўрин тутган. «Шу тавзеуларида келтирилган: «Салтанат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилади», деган машҳур фикр давлат қарорларининг пухталиги кўп жиҳатдан фикрлар хилмаҳилилиги ва маслаҳат маданиятига боғлиқ эканини кўрсатади.

Бугун «Энг яхши парламент модели қайси?» деган саволга ягона жавоб йўқ. Энг яхши модель муайян мамлакатнинг тарихий тараққиёти, давлат тузилиши, сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва жамият эҳтиёжларига энг мос келадиган моделдир.

Шу боис Ўзбекистон парламентаризмининг энг муҳим вазифаларидан бири — ҳорижий парламент тажрибасини кўр-кўрона равишда қўчириш эмас, балки жаҳон тажрибасидан миллий давлатчилик хусусиятларига мос бўлган энг самарали институт ва механизмларни танлаб олишдир.

Замонавий парламентаризм уч маънода

Парламентаризм ҳақида сўз юритганда, аввало, унинг мазмун-моҳиятини тўғри англаб олиш муҳим. Чунки у фақат парламентнинг мавжудлиги ёки унинг фаолияти билан чекланмайди. Парламент мураккаб ва кўп қиррали сиёсий-ҳуқуқий воқелик бўлиб, ўзининг норматив ва амалий жиҳатларига эга. Шу нуктаи назардан, «парламентаризм» тушунчасини уч ўзаро боғлиқ маънода тапқин қилиш мумкин.

Биринчидан, парламентаризм — қонунчиликдир.

Парламентаризм, аввало, парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти, қонунларни қабул қилиш, тақомиллаштириш ва улар ижроси назорати билан боғлиқ жараёнларни англатади.

Парламентнинг энг асосий функцияси — қонун қабул қилиш. Бирок замонавий парламентаризми фақат шу жараён билан чеклаб бўлмайди. Бугун парламентнинг қонунчилик фаолияти билан бир қаторда Давлат бюджетте, парламент назорати, ҳукуматнинг ҳисобдорлиги, сиёсий партиялар фаолияти, инсон ҳуқуқлари ва жамоатчилик манфаатларини ифодалаш каби вазифалари ҳам парламентаризмнинг узвий қисмидир.

Иккинчидан, парламентаризм — парламент ҳуқуқи назариясидир.

Парламентаризм назарияси «Парламент қандай бўлиши керак?», «Парламент қандай ишлаши лозим?», «Парламентнинг давлат ва жамиятдаги устувор вазифаси нимадан иборат?» деган саволларга жавоб излайди. Шу нуктаи назардан парламентаризм сиёсатшунослик, конституциявий ҳуқуқ, парламент ҳуқуқи ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар кесилувида шаклланган мустақил илмий йўналиш сифатида намоён бўлади.

Шу боис Ўзбекистон парламентаризмининг 35 йиллик тараққиётини ўрганиш асосида, фақат қабул қилинган қонунлар ёки парламентнинг ташкилий тузилиши билан чекланиб қолмаслик керак. Парламент институтининг назарий асослари қандай ўзгаргани, парламентаризмга бўлган илмий ва сиёсий ёндашувлар қандай ривожлангани, миллий парламентаризм

модели қандай шаклланганини ҳам тадқиқ этиш зарур.

Учинчидан, парламентаризм — парламент амалиётидир.

Парламентаризмнинг учинчи ва аҳтиمول, энг муҳим маъноси унинг амалий ифодасидир. Чунки ҳар қандай илмий назария ва ҳуқуқий норма фақат амалиётда ўзининг ҳақиқий тасдиғини намоён этади.

Гёте ўзининг машҳур «Фауст» трагедиясида: **«Назария — қуруқ оғочдир, Лекин яшнар ҳаёт дарахти»,** деб ёзган. Ушбу сатрлар Ўзбекистон Қаҳрамони ва халқ шоири Эркин Воҳидов томонидан моҳирона таржима қилинган.

Парламентаризм амалиёти — парламентнинг қундалик фаолияти, депутатларнинг сайловчилар билан муносабати, қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёни, парламент назорати, ҳукумат ҳисобдорлиги, парламентдаги сиёсий партиялар ва фракциялар фаолияти, парламент муҳолифати, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиқни қамраб олади.

Шу боис парламентаризмнинг амалий мазмуни «Парламент амалда қандай ишляпти?» деган савол орқали изохлаш мумкин. Агар қонунлар сифатли бўлсаю лекин улар ижро этилмаса — бу тўлақонли парламентаризм эмас. Агар парламентнинг ваколатлари Конституцияда белгилаб қўйилган бўлсаю бироқ улар амалда самарали ишламаса — бу ҳам тўлақонли парламентаризм эмас. Агар парламентда сиёсий партиялар мавжуд бўлсаю аммо улар ўртасида реал фикрлар хилмаҳилилиги ва конструктив сиёсий рақобат бўлмаса — парламентаризмнинг сиёсий мазмуни тўлиқ намоён бўлмайди.

Шу боис парламентаризмнинг ҳақиқий моҳиятини «қонунчилик — назария — амалиёт» бирлиги асосида баҳолаш зарур. Қонунчилик парламентаризмнинг ҳуқуқий пойдеворини ташкил этади. Назария унинг илмий ва маънавий-ахлоқий асосларини белгилайди. Амалиёт эса ушбу ҳуқуқий ва назарий асосларни ҳаётга татбиқ қилади.

Ҳақиқий парламентаризм — илмий назария, мукамал қонунчилик ва самарали парламент амалиётининг уйғунлигидир.

Ўзбекистонда парламентаризмнинг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон парламентаризмининг энг муҳим амалий натижаларидан бири — миллий қонунчилик тизимининг изчил шакллантирилиши ва тақомиллаштирилиши бўлди.

1991 — 2026 йиллар мобайнида мамлакатда жами 1563 та қонун ва 19 та кодекс қабул қилинган. Шу даврда Ўзбекистон томонидан 129 та халқаро шартнома ратификация қилиниб, 3 та халқаро шартнома денонсация этилган. Бу рақамлар шунчаки статистика эмас. Улар парламентнинг миллий ҳуқуқий маконини шакллантириш ва Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқий мажбуриятларини миллий қонунчилик билан уйғунлаштириш борасидаги салмоқли фаолиятини кўрсатади.

Ўзбекистонда парламентаризм тарихини шартли равишда уч босқичга ажратиш мумкин.

Биринчи босқич — 1990 — 2004 йиллар. Бу — сохта халқ вакилигидан ҳақиқий парламентаризмга ўтиш даври. 1990 йилда Олий Кенгашнинг ташкил топиши, Президентлик институтининг жорий этилиши ва 1991 йилда давлат мустақиллигининг эълон қилиниши Ўзбекистон парламентаризми учун янги тарихий босқични бошлаб берди. Бу даврни бир палатали миллий парламент ва конституциявий парламентаризмнинг шаклланиш босқичи деб аташ мумкин.

1992 йилги Конституция парламентнинг ҳуқуқий макомини белгилаб берди. Шу даврда қонун ижодкорлиги, парламент қўмиталари, депутатлик фаолияти ва сиёсий партияларнинг парламентдаги иштироки шакллана бошлади.

Иккинчи босқич — 2005 — 2016 йиллар. Бу — икки палатали парламент тизимига ўтиш босқичи. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатдан иборат икки палатали тизимга ўтиши парламентнинг институционал ривожда туб бурилиш бўлди. Бунинг асосий мақсади, бир томондан, халқнинг сиёсий иродасини ифодаловчи ва қонун ижодкорлигига ихтисослаштирилган профессионал Қонунчилик палатасини шакллантириш бўлса, иккинчи томондан, ҳудудий вакилликни таъминлайдиган Сенатни ривожлантириш эди.

Учинчи босқич — 2017 — 2026 йиллар. Бу — Янги Ўзбекистон парламентаризми даври. Бу босқични парламентнинг сиёсий ва назорат ваколатларини кенгайтириш босқичи деб баҳолаш мумкин.

Харакатлар стратегияси ва «Ўзбекистон — 2030» стратегияси доирасида парламентнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ролига янгича ёндашув шаклланди. Парламент назоратининг янги шакллари ривожланди, «Ҳукумат соати» институти кенгайди, парламент сўровлари, депутатлик сўровлари, қўмиталарда вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш амалиёти кучайди. Энг муҳими, парламент фаолиятида «қонун қабул қилишдан — қонун ижросини назорат қилишга» ўтиш тенденцияси пайдо бўлди.

2023 йилда янги тахрирдаги Конституциянинг қабул қилиниши ва 2024 йилда янги конституциявий асосда парламент сайловларининг ўтказилиши Ўзбекистон парламентаризми тарихида янги босқични бошлади.

2024 йилги парламент сайловлари Ўзбекистон тарихида Қонунчилик палатасига аралаш сайлов тизими асосида ўтказилган биринчи сайлов бўлди: 150 депутатлик ўриннинг 75 таси бир мандатли округларда мажоритар тизим, 75 таси эса партия рўйхатлари асосида пропорционал тизим бўйича шакллантирилди.

Шу тариқа, 35 йиллик тараққиёт давомида Ўзбекистон парламентаризми бир палатали парламентдан икки палатали парламент, вакиллик органидан профессионал парламент, қонун ижодкорлигидан таъсирчан парламент назорати сари ривожланди.



Акмал САЙДОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, академик.

Янги Ўзбекистон ва парламентаризм

Янги Ўзбекистон госянининг энг муҳим жиҳатларидан бири — Миллат сардори олға сурган «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак», деган тамойилнинг давлат бошқарувидаги барча бўғинларга татбиқ этилишидир.

Бунда парламентнинг ўрни алоҳида. Чунки парламент давлат ва халқ ўртасидаги энг муҳим сиёсий-ҳуқуқий кўприқдир. Янги Ўзбекистон парламентаризмида учта асосий тенденцияни кўриш мумкин.

Биринчи тенденция — парламентнинг давлат ҳокимияти тизимидаги сиёсий роли ва аҳамияти ошиб бормоқда. Қонунчилик палатасининг ижро ҳокимияти билан муносабатларида парламентнинг ўрни кучаймоқда. Ҳукумат аъзоларининг парламентдаги ҳисобдорлиги ортмоқда. Қонунчилик палатасининг Бош вазир номзодини кўриб чиқиши, ҳукумат аъзолари номзодларини таъқуллаши, ҳукумат ҳисоботларини эшитиши парламент масъулиятини сезиларли даражада оширмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Ўзбекистонда «Миллий парламентаризмини ривожлантириш ва халқ ҳокимиятини мустаҳкамлаш, давлат бошқаруви органлари ҳисобдорлигини таъминлашга қаратилган кенг қўлмалли ташкилий-ҳуқуқий чоралар амалга оширилмоқда».

Иккинчи тенденция — парламент назоратининг мазмуни кенгаймоқда.

Парламент назорати энди фақат вазирнинг ҳисоботини эшитиш билан чекланмаслиги керак. Унинг асосий мезони — «Парламент қабул қилган қонун амалда инсон ҳаётини қанчалик ўзгартирди?» деган саволга жавоб бериш. Президентимиз таъкидлаганидек: «Ҳар бир қонуннинг, таъбир жоиз бўлса, кўзи, оёғи, ижроси бўлиши лозим. Қонун қабул қилинди-ми, албатта, ҳаётда ўзгариш бўлиши керак».

Учинчи тенденция — парламентнинг халқ билан алоқаси мустаҳкамланмоқда. Депутат сайлов округига бориб, фақат учрашув ўтказиш эмас, балки муаммони аниқлаши, уни қонунчилик ташаббусига айлантириши ва ечимини назорат қилиши керак. Шу маънода депутат фаолиятини баҳолашнинг янги мезони зарур: «Депутат нечта йиғилишда қатнашди?» эмас, балки «У ўз сайловчилари ҳаётида қандай ўзгариш қилди?» — ана шу савол муҳим.

Янги тахрирдаги Конституция ва парламентаризм

35 йиллик парламентаризм тарихи биз учун фақат ўтган йўлни сарҳисоб қилиш эмас. Бу — «Биз қаердан келдик?», «Биз қандай парламент қурмоқдамиз?» ва «Келажак авлодга қандай парламентаризм қолдирмоқчимиз?» деган саволларга жавоб излаш имкониятидир.

2023 йили референдумда қабул қилинган янги тахрирдаги Конституция Ўзбекистон парламентаризмининг ҳуқуқий асосларини сезиларли даражада кенгайтди. Конституцияда давлат ҳокимияти тизимида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг ўзаро ҳамкорлиги ва мувозанатини кучайтиришга қаратилган. Шу маънода, парламентни қучайтириш — ижро ҳокимиятини заифлаштириш дегани эмас. Аксинча, қучли парламент қучли ва масъулиятли ижро ҳокимиятининг қафолатларидан берибдир.

Янги тахрирдаги Конституцияда парламентга тааълуқли нормалар ўзига хос йўналишларда тақомиллаштирилди.

Биринчи йўналиш: қонун чиқарувчи ҳокимият мақоми ва халқ вакиллиги кучайтирилди.

Иккинчи йўналиш: парламент назорати ва ижро этувчи ҳокимият масъулияти ортди.

Учинчи йўналиш: давлат органларини шакллантиришда парламент ваколатлари кенгайтирилди.

Тўртинчи йўналиш: парламентнинг ташқи сиёсат ва конституциявий назоратдаги роли ошди. Халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш, дипломатик вакилларни тайинлаш ҳамда ташқи сиёсий ташаббусларни илгари суришда Олий Мажлиснинг иштироки кенгайтирилди.

Бешинчи йўналиш: маҳаллий вакиллик органлари ва парламент ўртасидаги интеграция кучайди. Ҳокимларнинг бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари Кенгашларига раҳбарлик амалиётининг босқичма-босқич бекор қилиниши маҳаллий Кенгашларнинг мустақиллигини оширишга йўл очди.

35 йиллик парламентаризм тажрибаси асосида муҳим ҳулосаларга келиш мумкин.

Биринчи ҳулоса: Ўзбекистон парламентаризми тайёр бир моделини қўчириш асосида эмас, балки миллий давлатчилик ҳамда халқаро ва ҳорижий демократик тажрибанинг уйғунлиги асосида шаклланди.

Иккинчи ҳулоса: парламентаризм бир марта яратиб қўйилмайдиган институт эмас. У доимий ривожланишни талаб қиладиган сиёсий-ҳуқуқий жараёндир.

Учинчи ҳулоса: парламентнинг қучли бўлиш фақат депутатлар ва партиялар сони ёки ваколатлар миқдори билан белгиланмайди.

Унинг ҳақиқий қучи қонунларнинг сифати, назорат механизмлрининг таъсирчанлиги, сиёсий партиялар рақобати, парламент муҳолифатининг фаоллиги, депутатларнинг профессионаллиги ва халқчилиги билан белгиланади.

Тўртинчи ҳулоса: Ўзбекистон парламентаризмининг истиқболдаги асосий вазифаси — «ваколатли парламент»дан «натижадор парламент»га ўтиш. Яъни парламентга кўпроқ вақат бериш билан бирга, унинг ҳар бир ваколати натижа кўрсатиши керак.

Бешинчи ҳулоса: парламент демократиясида конструктив муҳолифат ҳам парламент сифатининг муҳим мезонидир. Соғлом танқид, муқобил фикр ва сиёсий рақобат қонунларнинг сифатини оширади. Шу ўринда жаҳон парламентаризми бизга муҳим сабоқ беради: парламентнинг ёши эмас, унинг самарадорлиги муҳим.

Баъзи парламентлар асрлар давомида шаклланган. Баъзилари эса нисбатан ёш. Аммо парламентнинг ҳақиқий қучи унинг қадимийлиги, ваколатлари, фракциялари ва мажлислари билан эмас, балки халқ ишончини қай даражада оқлаши, қонунларнинг ҳаётда ишлаши ва давлат ҳокимияти устидан демократик назоратни қанчалик самарали амалга ошириши билан ўлчанади. Қадимги Хитой мутафаккири Конфуцийнинг: «Халқнинг ишончи бўлмаса, давлат мавжуд бўла олмайд», деган фикри ҳам шу ҳақиқатни ифодалайди.

Янги Ўзбекистон парламентаризмини ривожлантириш истиқболлари

Янги Ўзбекистон парламентаризми истиқболлари қандай?

● **Рақамли парламентга ўтишни жадаллаштириш.** «Рақамли парламент» концепцияси доирасида қонун лойиҳаларини сўний интеллект ёрдамида ҳуқуқий ва коррупциявий экспертизадан ўтказиш, қонунларнинг таъсири-ни рақамли мониторинг қилиш, депутатлик сўровларининг ягона электрон мониторинг тизимини яратиш, фуқароларнинг парламентга электрон муножаатларини қонун ижодкорлиги билан боғлаш зарур.

● **Парламентнинг инсон ҳуқуқлари бўйича салоҳиятини ошириш.** Ҳар бир қонун лойиҳасининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига таъсирини парламент даражасида баҳолашнинг самарали тизимини қучайтириш лозим.

● **Фуқароларнинг қонунчилик ташаббусини қучайтириш.** Фуқароларнинг қонун ижодкорлигидagi иштироки реал механизмга айланиши керак.

● **«Натижага йўналтирилган парламент назорати» тизимини жорий этиш.** Парламент назорати ҳисобот билан эмас, муаммонинг ечими билан аёнланиши жоиз.

● **Парламентнинг бюджет назоратини қучайтириш.** Парламентнинг бюджет жараёнидаги иштироки фақат Давлат бюджетини қабул қилиш билан чекланмаслиги керак. Бюджет маб-лағларининг мақсадли, самарали ва натижадор сарфланиши устидан самарали парламент назоратини қучайтириш даркор.

● **Парламент муҳолифати институти янада ривожлантириш.** Муҳолифатда берилган ҳуқуқлар амалда ишлаши, парламентда муқобил қонун лойиҳалари ва муқобил сиёсий позициялар учун реал майдон яратилиши керак.

● **Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини қучайтириш.** Ҳақиқий вакиллик демократияси маҳаллий Кенгашлардан бошланади. Шунинг учун маҳаллий Кенгашларнинг бюджет, ҳудудий ривожланиш, ижтимоий сиёсат ва коммунал инфратузилма масалаларидаги ваколатларини янада қучайтириш зарур.

● **Парламентшунослики мустақил илмий йўналиш сифатида ривожлантириш.** Ўзбекистонда парламентаризмнинг 35 йиллик тажрибасини илмий жиҳатдан умумлаштириш, парламент ҳуқуқи ва парламентшунослик бўйича махсус тадқиқотларни кенгайтириш, парламент амалиётини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш вақти келди. «Ўзбекистон парламентаризми тарихи», «Парламент назорати назарияси ва амалиёти», «Парламент дипломатияси» каби йўналишларда фундаментал тадқиқотлар зарур.

Хотима

Ўзбекистон парламенти 35 йиллик тараққиётти даврида Олий Кенгашдан Олий Мажлисга, бир палатали тизимдан икки палатали парламентга, сессиявий фаолиятга асосланган парламентдан доимий ва профессионал асосда ишлайдиган парламентга, қонун қабул қилувчи орган мақомидан назорат ва вакиллик функциялари қучайган институтга айланиш йўлини босиб ўтди.

Янги Ўзбекистонга шунчаки қучли парламент эмас, балки:

- ҳақиқий ва самарали профессионал парламент;
- халққа яқин халқчи парламент;
- рақамли ва очиқ парламент;
- қонунлари самарали ишлайдиган парламент;
- назорати натижа берадиган парламент;
- муҳолифат фикри эшитиладиган парламент;
- ёшлар ва хотин-қизлар, аҳолининг барча қатламлари овози тўла ақл этадиган парламент;
- халқаро майдонда миллий манфаатларни фаол ҳимоя қиладиган парламент керак.

Энг муҳими, парламент «Халқ уйи» деган юксак номга муносиб бўлиши лозим. Чунки парламентнинг ҳақиқий қудрати унинг деворларида эмас — халқ ишончида. Депутатнинг ҳақиқий мақоми унинг лавозимида эмас — халқ олдидagi масъулиятида. Қонуннинг ҳақиқий қиймати унинг матида эмас — инсон ҳаётини қанчалик яхшилаганида.

Биз парламентаризмини шунчаки ривожлантиришимиз эмас, уни халқнинг қундалик ҳаётида сезиладиган демократияга айлантиришимиз керак. Ана шунда 35 йиллик парламент тажрибаси тарихий натижага, бугунги ислохотлар эса келажак авлод учун мустаҳкам демократик меросга айланади.

ТИНЧЛИК ВА ИШОНЧ МЕЪМОРИГА АЙЛАНГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

◀1 Шу ўринда болалигимда мени жуда таъсирлантирган, ҳануз эсласам кўзим ёшга тўладиган бир воқеани бўлишини истайдим.

Бундан роппа-роса ўн тўрт йил олдин 12 ёшимда ота-онам билан юртимиз бўйлаб саёхатга чиқдик. Йўлда овқатланишга тўхтадик. Қўшни столдан биз, ота ва қизнинг ўзаро ҳазил-хузул қилиб бахтиёр ўтирганимизни қузатиб турган бир аёл ўз-ўзидан ийглаб юборди. Бир лаҳза нима қилишни билмай ҳайратдан қотиб қолдик. Кейин аёлнинг ўзи сўз бошлади: “Менинг исмим Гулзода. Мен ҳам отамнинг яккаю ягона арзанда қизалоғи эдим. Улғайиб қўшни қишлоққа келин бўлдим. Уйларимиз орасидаги масофа атиги 10 — 15 дақиқалик йўл эди. Кейин чегаралар бизни ажратиб юборди. Бизнинг қишлоқ Ўзбекистонда, улар эса Тожикистон таркибида қолди. Кейин...” Бир лаҳза тўхтади ҳалиги аёл. Қўзларидан ёшлар ана милт-милт этиб тома бошлади. “Бир неча йилдан сўнг отам вафот этди. Мен эса уни сўнгги манзилга кузата олмадим. Чегарадан ўтказишмади...”

Бугун улғайиб шуни англадимки, чегара шунчаки харитадаги чизик эмас, балки инсон тақдирини билан чамбарчас боғлиқ экан аслида.

Чегара масаласини ҳал қилиш бу, шунингдек, давлатлар ўртасида ишончни тиклаш, иқтисодий алоқаларни жонлантириш ва минтақанинг умумий ривожланиш модели учун мустаҳкам пойдевор яратиш демек эди.

Давр руҳига мос дипломатик парадигма

Дунё геосиёсий ландшафтининг изчил ўзгариб бориши энди жаҳон сиёсий майдонида мустаҳкам қолиш учун кўплаб ўзгаришларни, бутунлай янги сиёсат, янги мафқурани талаб қиларди. Ана шундай бир шароитда сўнгги ўн йиллик Ўзбекистон учун тўб янгиланишлар, очилган имкониятлар ва шиддатли тараққиёт даври бўлди.

Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатида Марказий Осиё устувор йўналиш сифатида белгиланди. Қўшнилар билан очиқ мулоқот, амалий ҳамкорлик ва ўзаро манфаат тамойиллари янги дипломатик ёндашувнинг асосига айланди. Бу ёндашувнинг моҳияти оддий эди: минтақанинг барқарор ривожланиши алоҳида давлатларнинг эмас, балки умумий манфаатларнинг уйғунлигига боғлиқ.

Натижада чегараларда янги назорат-ўтказиш пунктлари очилди. Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон,

ФАРМАЦЕВТИКА — МИЛЛИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

Эндиликда фақат ишлаб чиқаришни кўпайтириш эмас, балки илм-фан, таълим, инновация, инвестиция, халқаро ҳамкорлик ва кадрлар тайёрлаш масалаларига ягона занжир сифатида қаралапти. Бу фармацевтикани алоҳида тармоқ эмас, аксинча, мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлиги, миллий илм-фани ва инсон капитали билан узвий боғлиқ тизим сифатида ривожлантиришга қаратилган ёндашув эканини кўрсатади.

Сир эмас, соҳада ҳали ишга солинмаган улкан имкониятлар мавжуд. Мамлакатимизда фармацевтика бозори ҳажми қарийб 2,5 миллиард долларга етган бўлса-да, маҳаллий ишлаб чиқаришнинг улуши ҳали тўлиқ талабни қопламайпти. Экспорт ҳажми ўсганига қарамай, дори воситалари экспортининг улуши нисбатан пастлигича қўлмоқда. Бу эса тармоқни янада юқори технологияли босқичга олиб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Шу маънода, 2030 йилгача ички бозорда маҳаллий дори воситалари улушини 70 фоизга етказиш ва экспортни 1 миллиард долларга олиб чиқиш вазифаси қўйилгани мамлакат фармацевтикаси учун мутлақо янги ривожланиш моделига ўтишни аниқлатади. Бундай улкан мақсадларга эришиш учун эса инвестиция, илм-фан, технологиялар трансфери, маҳаллийлаштириш, таълим ва юқори маалаки кадрлар тайёрлаш бир вақтинч ўзида ривожланиши зарур. Айнан шу жиҳат бугунги ислохотларнинг энг муҳим хусусияти сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

Илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси

Фармацевтика таълими — Янги Ўзбекистон ушбу саноатининг интеллектуал пойдевори. Шу маънода, эндиликда маъзур соҳани ривожлантириш фақат янги заводлар қуриш ёки инвестиция жалб қилиш билан чекланмайди. Бу жараённинг муваффақияти, биринчи навбатда, соҳани янги билим, инновацияни фискал ва халқаро компетенцияларга эга кадрлар билан таъминлашга боғлиқ.

Бугун дунё фармацевтика саноатида рақобат ҳомашё ёки ишлаб чиқариш қуввати билан эмас, балки интеллектуал капитал билан белгиланмоқда. Янги молекулаларни яратиш, биотехнология препаратлар ишлаб чиқиш, сунъий интеллект асосида дори воситаларини лойиҳалаш, клиник тадқиқотларни рақамлаштириш ва катта маълумотлар таҳлили каби йўналишлар соҳанинг асосий драйверига айланоқда.

Шу нуктаи назардан қараганда, мамлакатимиз фармацевтика таълими ҳам янги тараққиёт босқичига чиқиши лозим. Бугунги



Ботир МАДИРОВ

Кейинги йилларда Тошкент фармацевтика институти соҳа учун малакали кадрларни тайёрлаш бўйича сезиларли натижаларга эришмоқда. Бугунги кунда бакалаврият таълим йўналиши ва магистратура мутахассислиги бўйича 3 минг 500 нафарга яқин талабалар таҳсил олишапти. Докторантурадаги изланувчилар сони эса 50 дан ошди.

Институтнинг таълим ва илмий салоҳиятини кафедраларимизда фаолият юритаётган 240 нафар профессор-ўқитувчи таъминлаштириш, десак, адашмаймиз. Уларнинг 39 нафари фан доктори, 93 нафари фан номзоди бўлиб, ҳозирги кунда институтнинг умумий илмий салоҳияти 52,3 фоизни ташкил этади. Профессор-ўқитувчи ва мутахассисларнинг малакасини оширишга ҳам кенг имкониятлар яратилган.

Таълим сифатини яхшилаш ва халқаро ҳамкорлиқни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратамиз. Институтнинг илмий ва таълимий фаолияти Россия, Туркия, Беларусь, Венгрия, Хитой, Жанубий Корея, Япония ҳамда Қозғоғистон каби давлатлар олий таълим ва илмий муассасалари билан ҳамкорлик асосида ривожланмоқда. Жумладан, ўтган даврларда Россиянинг Белгород давлат миллий тадқиқот университети билан фармацевтика йўналишида қўшма таълим дастури йўлга қўйилди. Таълим жараёнига кредит-модуль тизими жорий қилиниб, уни рақамлаштириш мақсадида “Регистратор офиси” ташкил этилди. Илмий изланишлар учун эса замонавий жиҳозланган “Инновацион фармацевтик бирикмалар” илмий лабораторияси очилди.

Дарвоқе, институт илмий фаолиятида ҳам салмоқли натижалар қайд этилди. Бугунги кунда умумий қиймати 5,7 миллиард сўм бўлган 7 та давлат гранти — 1 та фундаментал, 5 та амалий ва 1 та инновацион лойиҳанинг ижроси таъминланмоқда. Институт халқаро академик майдондаги мавқеини мустаҳкамлаб, “Times Higher Education” рейтингига “Reporter” мақомига эга.

Энг муҳими, бугунги кун талабалари аудиторияда ўтирибгина эмас, балки инновацион лабораторияларда, клиник тадқиқот мар-

казлари ва замонавий ишлаб чиқариш корхоналарида таълим олишапти. Дуал таълим тизимининг кенг жорий этилиши битирувчиларнинг меҳнат бозорига тайёр ҳолда кириб келишини таъминлаяпти.

Илмий ғоя лабораторияда туғилади, университетда такомиллаштирилади ва саноатда маҳсулотга айланади. Бу эса инновацияларнинг ҳаётий циклини бир неча баробар тезлаштиради.

Стратегик тизим уфқлари

Янги Ўзбекистон фармацевтикаси — миллий тараққиётнинг янги драйвери. Шу маънода бугун олдимизда турган устувор ва зифаларини таҳлил қилар эканмиз, бир ҳақиқат янада ойдинлашади. Бугун мамлакатимиз фармацевтикаси ўз тарихидаги мутлақо янги тараққиёт босқичига қадам қўймоқда. Бу босқичнинг энг муҳим хусу-

“2030 йилгача ички бозорда маҳаллий дори воситалари улушини 70 фоизга етказиш ва экспортни 1 миллиард долларга олиб чиқиш вазифаси қўйилгани мамлакат фармацевтикаси учун мутлақо янги ривожланиш моделига ўтишни аниқлатади. Бундай улкан мақсадларга эришиш учун эса инвестиция, илм-фан, технологиялар трансфери, маҳаллийлаштириш, таълим ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш бир вақтинч ўзида ривожланиши зарур. Айнан шу жиҳат бугунги ислохотларнинг энг муҳим хусусияти сифатида алоҳида аҳамият касб этади.”

сияти шундаки, эндиликда тармоқ фақат дори воситалари ишлаб чиқарувчи саноат сифатида эмас, балки илм-фан, инновациялар, юқори технологиялар, инвестициялар, рақамли иқтисодиёт ва инсон капитали бирлаштирувчи стратегик тизим сифатида ривожлантирилмоқда.

Энг муҳими, маъзур ислохотларнинг марказида инсон манфаати турибди. Чунки ҳар бир маҳаллийлаштирилган дори воситаси, ҳар бир янги технология, ҳар бир замонавий лаборатория, аввало, аҳолининг сифатли, хавфсиз ва ҳамёнбоп дори воситалари

билан таъминланишига хизмат қилади. Бу эса инсон қадрини улуғлашга қаратилган давлат сиёсатининг амалий ифодасидир.

Бугунги кунда жаҳон фармацевтика саноати тубдан ўзгармоқда. Сунъий интеллект ёрдамида янги молекулалар кашф этилмоқда, ген терапияси ва биотехнологик препаратлар кенг қўлланилмоқда, рақамли платформалар орқали клиник тадқиқотлар самарадорлиги оширилмоқда. Бундай шароитда рақобатда устунликка эришиш учун моддий ресурслардан кўра интеллектуал ресурслар ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Шу маънода, фармацевтика таълими ва илмий тадқиқотлар тизимини такомиллаштириш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Олий таълим муассасалари замонавий ишлаб чиқаришнинг кузатувчиси эмас, балки унинг ташаббускорига айланиши керак. Университетлар янги билимлар яратиладиган, инновациялар синовдан ўтказиладиган ва иқтисодиёт эҳтиёжлари учун ечимлар ишлаб чиқилган марказларга айланиши зарур.

Тошкент фармацевтика институти жамоаси ҳам ушбу юксак мақсадларни амалга оширишда ўзини ислохотларнинг фаол иштирокчиси сифатида кўради. Биз таълим жараёнини халқаро стандартлар асосида янада такомиллаштириш, замонавий лабораториялар имкониятларини кенгайтириш, илмий тадқиқотларни тижоратлаштириш, ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, ёш олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш ўз фаолиятимизнинг устувор вазифаси деб биламиз.

Айниқса, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада чуқурлаштириш, дуал таълим моделини такомиллаштириш, талабаларни инновацион лойиҳаларга кенг жалб этиш, халқаро илмий ҳамкорлиқни ривожлантириш ва академик мобилизацияни кенгайтириш орқали мамлакатимиз фармацевтикаси учун янги авлод мутахассисларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратамиз.

Шу билан бирга, соҳада фақат давлат идоралари ёки таълим муассасалари савий-харақатлари билан юқори натижага эришиб бўлмайди. Бу жараёнда илмий муассасалар, хусусий сектор, инвесторлар, фармацевтика компаниялари ва жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Фақат шу йўл билан инновацияга асосланган барқарор экотизимни шакллантириш мумкин.

Қамол РИЗАЕВ,
Тошкент фармацевтика институти ректори,
тиббийёт фанлари доктори, профессор.

КЎЧКАК АНЖИРИ

Қарши туманининг Кўчкак маҳалласи аҳли азал-азалдан анжирчилик билан шуғулланиб келади. “Кўчкак анжир” деган ном эса маҳаллий бозорда брендга айланиб улгурган.

Омилкорлик

Бугунги кунда маҳалладаги 1650 дан зиёд хонадонларда қарийб 7100 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилмоқда. Саксон фойздан ошқ хонадон вакиллари ўз томорқаларида анжир етиштиради. Шу билан бирга, бу борада янги лойиҳаларни амалга ошираётган ташаббускорлар ҳам кўп.

Воҳид Исомов икки йил аввал маҳалладаги ёшлар етакчиси тавсияси асосида 37 со-

тих ер майдонини ижарага олиб, 250 тул анжир қўчқани эккан эди. Бу йил бог тўлиқ ҳосилга кирди.

— Ҳозир ҳосилни йиғиб олиб, бозорга етказиб берамиз, — дейди В. Исомов. — Хомаки ҳисоб-китобимизга кўра, мавсум давомида богдан 60 млн. сўмдан кўпроқ даромад олишни мўлжаллаганмиз. Бу биринчи йили, кейинги йиллардан эса даромад янада ошиб боради.

Кўчкак маҳалласида ўтган йили 50 гектар ер майдон-



нида анжирзор ташкил этилиб, фуқароларга кооператив асосида ажратиб берилди. Бу яқин бир-икки йил ичида анжир етиштириш салмоғи янада ортишини аниқлатади.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ
«Халқ сўзи».

20 МИНГДАН ОРТИҚ ХОНАДОНЛАР УЧУН ЭНЕРГИЯ МАНБАИ

Сўх туманининг Қизилқийёқ маҳалласида бунёд этилаётган қуввати 15 мегаваттлик гидроэлектр станцияси юртимизда муқобил энергия манбаларини яратиш борасидаги яна бир амалий қадамдир.

Бунёдкорлик

Лойиҳа қиймати 40,8 млн. доллар бўлиб, ушбу ишцоот 2026 — 2028 йиллар мобайнида барпо этилиши режалаштирилган. Инвестиция лойиҳаси “O’zbekgidroenergoqurilish” АЖ томонидан амалга оширилади ва қурилиш ишлари жараёнида 800 нафар маҳаллий аҳоли вакиллари билан бандлиги таъминланади.

— Замонавий лойиҳа тўлиқ ишга туширилганидан сўнг 20 га яқин иш ўринлари яратилиб, йилга ўртача 48 млн. кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилиши мақ-

сад қилинган, — дейди Сўх тумани ҳокими ўринбосари Адхамжон Сафаров. — Бу ҳудуддаги 20 мингдан зиёд хонадонларнинг муҳим ҳаётий таъминот масаласи тўлиқ ижобий ҳал этилишига хизмат қилади.

Ихтимой соҳа объектлари ҳамда тadbirkorлик субъектлари барқарор равишда электр манбаи билан таъминланади. ГЭС ҳудуд иқтисодиётини ривожлантириш ва туризм салоҳиятини янада ошириш имконини бериши билан ҳам аҳамиятлilдир.

Ботир МАДИРОВ
«Халқ сўзи».

ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШ ИСТАГИНИ БИЛДИРГАН ЮРИДИК ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 февралдаги ПҚ-141, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 мартдаги 124-қарорларига асосан, Айдар-Арнасой кўллар тизимининг бўш сув ҳавзалари участкалари танлов асосида ижарага берилиши маълум қилинади.

Танлов ташкилотчиси: “Айдар-Арнасой кўллар тизими” МЧЖ.

Манзил: Жиззах вилояти, Арнасой тумани, Фозилар шаҳарчаси.

Телефонлар: 94-347-62-27, 93-303-44-28.

Танлов предмети: Айдар-Арнасой кўллар тизими сув ҳавзасидаги 207,9 минг гектар жами 103 та лотни балиқ овлаш ҳўжаликларига саноат балиқ овлашни амалга ошириш учун очик танлов асосида 10 (ўн) йилга ижарага бериш.

Талабгорлар танлов ҳақидаги батафсил маълумотларни “Айдар-Арнасой кўллар тизими” МЧЖдан олишлари мумкин.

Талабгорлардан аризани кўриб чиқиш учун БХМнинг учдан бир баравари микдорида тўлов ундирилади. Буортномани кўриб чиқиш учун тўланадиган тўловлар қайтарилмайди. Бундан ташқари, талабгордан сув ҳавзаси участкаси учун белгиланган йиллик ижара ҳақининг 30 фоиз микдорида тўлов (гаров пули) ундири-

лади. Ушбу маблағлар жамиятнинг банк ҳисоб рақамига келиб тушади ва танлов голибининг дастлабки ижара тўлови сифатида ҳисоб-китоб қилинади. Танловда голиб бўла олмаган талабгорнинг ушбу тўлови қайтарилмайди.

“Трастбанк” ХАБ Жиззах вилояти филиали; х/р 2021 0000 9007 4754 5001;

МФО 00491, СТИР: 304 741 887, “Айдар-Арнасой кўллар тизими” МЧЖ.

Танловда қатнашниш учун талабгор ёки унинг вакили шахсан ёхуд почта орқали буюртма хат билан, аризани икки нусхада, шу билан бирга, 2 та муҳрланган конвертда (асли ва нусхаси) қуйидаги ҳужжатларни “Айдар-Арнасой кўллар тизими” МЧЖга тақдим этиши лозим:

1. Кўриб чиқиш учун тўловнинг тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатлари (БХМнинг учдан бир баравари микдорида);

2. Корхона гувоҳномаси ва устави (низом) нусхаси;

3. Корхона раҳбари паспорт нусхаси ва тайинланганлиги тўғрисида буйруқ, корхонада мавжуд ишчи-ҳодимлар рўйхати (паспорт нусхалари билан);

4. Балиқ овлашни амалга ошириш бўйича бизнес-режа;

4.1. Бизнес-режада қуйидаги асосий қоидалар акс эттирилиши лозим:

— бир йилда ўртача овланиши қутилаётган микдор;

— иқтисодий самарадорлик ҳисоб-китоблари ҳақидаги маълумотлар;

— киритилиши қутилаётган инвестиция микдори ва соҳаси;

— балиқ овлашни амалга ошириш бўйича бизнес-режанинг молиялаштириш манбалари (талабгорнинг ўз маблағлари ҳисобига, кредитлар ва ҳоказо) билан таъминланганлиги ҳақидаги маълумотлар;

— ташкил этиладиган иш ўринлар сони;

— ҳодимлар штатининг тахрибабили балиқчилар, ихтиологлар, бошқа мутахассис ва экспортлар билан тўлдирилганлиги;

5. Корхона балансидаги ёки айнан корхона раҳбари номидagi балиқ овлаш ва табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш

учун моддий-техника воситалари (русуми кўрсатилган қайқилар ва моторли қайқилар, автотранспорт воситалари, овлаш қуроллари, балиқ ва балиқ маҳсулотларини сақлаш учун совитиш ускуналари ва ҳоказолар)нинг мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар;

6. Талабгор корхонанинг умумий ва балиқчилик соҳасидаги фаолият даврига оид маълумот;

7. Корхона баланси (ўтган йил якуни ёки жорий йил якунланган чораги бўйича), яъни ўз маблағлари ва молиявий ҳолатлари тўғрисида маълумот;

8. Талабгорнинг табиатни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлари комплекси.

Талабгордан юқорида кўзда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Танловда иштирок этиш учун қизиқиб билдирган юридик шахслар жамиятдан қуйидаги ҳужжатлар ва маълумотларни олишлари мумкин:

1. Танловда қатнашниш шартлари, талабгорлар томонидан тақдим этиладиган ҳужжат ва маълумотлар рўйхати;

2. Танловга қўйилган сув ҳавзаси участкаларига оид маълумотлар;

— сув ҳавзаси участкаси (контури)нинг рақами;

— сув ҳавзаси участкасининг жойлашган координатлари;

— сув ҳавзаси участкасининг майдони;

— сув ҳавзаси участкасининг харита-схемаси;

— сув ҳавзаси участкасининг ўртача балиқ маҳсулдорлиги;

— сув ҳавзаси участкасининг йиллик ижара ҳақи микдори;

3. “Айдар-Арнасой кўллар тизими” МЧЖ участкаларини балиқ овлаш ҳўжаликларига балиқ етиштириш ва овлаш учун ижарага бериш шартнома лойиҳаси билан жамиятда танишишлари мумкин.

Талабгорларнинг танлов тақлифлари жойлашган конвертлар 2026 йил 27 август куни соат 10.00 да Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Бешқувур кўчаси, 56-ўйда жойлашган Сирдарё — Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси маъмурий биносида очилади.

Танловга оид ҳужжатлар танлов ўтказилиши ҳақида эълон берилган санадан бошлаб 2026 йил 25 август куни соат 18.00 га қадар жамият маъмурий биносида қабул қилинади.

ҳамда Шимолий Африкага қўзилган муаззам илм, ирфон ва олийҳанго қадриятлар айнан шу ердан тарқалганини қайд этади.



Муаллиф бу муқаддас тупроқ Хожа Аҳрор Валий, Алишер Навоий каби буюк шахсларни, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Маҳмуд Замахшарий каби улуғ уламоларни, Наҳмиддин Қўбро, Абдуҳолиқ Гиждувоний, Юсуф Ҳамадоний, Баҳоуддин Нақшбанд каби тасаввуф пириларини, Хоразмий, Фарғоний, Ибн Сино, Форобий, Улуғбек, Али Қўшчи каби жаҳоншумул олим ва файласуфларни берган до-нишманд ота юрт билан фархланади.

Унинг ёзишича, Ўзбекистонни танишининг иккинчи нуктаси Янги Ўзбекистонни аниқламоқдир. Бугунги янги-ланаётган Ўзбекистонни ид-рок этиш учун унинг асос-чиси, юксак сиёсий ирода соҳиби бўлмиш Президент Шавкат Мирзиёевнинг го-ялари, лойиҳалари, халқ-аро майдондаги дадил чи-қишлари ва стратегик қарашларини ақидан куза-тиб бориш тақозо этилади.

Ушбу китобнинг ҳар са-три ва бобида Янги Ўзбе-кистонда кечаётган эзгу э-рилишлар, доно раҳбарнинг кучли стратегияси, аслига содиқ қолган ҳамда замон-га муносиб янги ментали-тет, ислохот ва қайта тик-ланиш давридаги бурилиш-лар, барча тизимдаги жадал ҳамда кенг қўламини савй-харақатлар ўз аксини топ-ган.

Зулфия МЎМИНОВА,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими,
«Матрифат» тарбиячилари
жамияти аъзоси.

РЕКЛАМА

2027 йил 1 январдан имтиёзли авиа, темир йўл ва шаҳарлараро автобус чипталарини «Вагака» ижтимоий карта мобил иловаси орқали онлайн харид қилиш имконияти яратилади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 842. 19 387 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотибмаст 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳририятта келган кўлаёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жоғабгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бекмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарк” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-ўй.
Набатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев.
Мусахҳиш — Ш. Машраббоев.

“Шарк” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.30 Топширилди — 23.35 1 2 3 4 5 6